

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 237-ҳадис

237/368 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ بَيْعَتَيْنِ: عَنِ الْلِّمَاسِ وَالنِّبَادِ، وَأَنْ يَشْتَمِلَ الصَّمَاءُ، وَأَنْ يَخْتَبِي الرَّجُلُ فِي ثُوبٍ وَاحِدٍ.

237.368 Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки хил савдодан - лимос* ва нибоздан,* саммоча ўранишдан ва кишининг бир эн кийимда эҳтибо қилиб ўтиришидан қайтардилар».

* Лимос – савдо молини кўрмасдан, ушлаб кўриш орқали савдо қилиб олиш. У «муломаса» ҳам дейилади;

* Нибоз – савдо молининг устига бирор нарсани ташлаш орқали сотиб олганини билдириш. У «мунобаза» ҳам дейилади.

Манба: hadis.islom.uz

